

## Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати

2024 йил учун

- I. Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича динамикаси
- II. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бўйича динамикаси
- III. Иқтисодиёт тармоқларида янги асосий воситаларнинг ишга туширилиши ва тугатилиши
- IV. Асосий воситаларнинг янгиланиш ва тугатилиш коэффициенти ҳамда эскириш даражаси динамикаси
- V. Худудлар кесимида бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича йил охирига мавжуд асосий воситалар динамикаси
- VI. Худудлар кесимида иқтисодиёт тармоқлари бўйича бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг йил охирига мавжуд асосий воситалари
- VII. Изоҳлар

### I. Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича динамикаси

2024 йил учун йил бошига асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати **1 524 583,9** млрд сўмни ҳамда йил охирига эса **1 721 078,7** млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг йил охири билан таққослаганда **13,2** % га ўсди.

Маълумот учун: Асосий воситалар бу корхона томонидан узоқ муддат (бир йилдан ортиқ) давомида иш фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқириш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиш учун сотиб олинган моддий активлардир. Асосий воситалар таркиби қуйидагилардан иборат: бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машиналар ва асбоб-ускуналар, компьютер техникалари, ёрдамчи қурилмалар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, ҳисоблаш техникалари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар ҳамда бошқа турдаги асосий воситалар.


### Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича йил боши ва йил охирига мавжуд асосий воситалар, млрд сўм

|                                            | 2022 йил      |                | 2023 йил      |                | 2024 йил      |                |
|--------------------------------------------|---------------|----------------|---------------|----------------|---------------|----------------|
|                                            | йил<br>бошига | йил<br>охирига | йил<br>бошига | йил<br>охирига | йил<br>бошига | йил<br>охирига |
| Жами асосий воситалар                      | 1 133 480,7   | 1 311 412,9    | 1 312 145,8   | 1 519 843,8    | 1 524 583,9   | 1 721 078,7    |
| Ишлаб чиқарувчи тармоқлар                  | 439 314,0     | 551 270,9      | 532 803,7     | 647 450,1      | 636 147,4     | 749 816,5      |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги       | 79 304,6      | 92 246,0       | 91 431,8      | 100 116,9      | 98 496,4      | 110 098,6      |
| Саноат                                     | 325 825,8     | 420 348,6      | 405 021,4     | 504 345,6      | 496 094,9     | 588 816,4      |
| Қурилиш                                    | 34 183,6      | 38 676,3       | 36 350,5      | 42 987,6       | 41 556,1      | 50 901,5       |
| Хизмат кўрсатувчи тармоқлар                | 694 166,7     | 760 142,0      | 779 342,1     | 872 393,7      | 888 436,4     | 971 262,2      |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 31 270,7      | 38 164,0       | 41 723,5      | 48 980,7       | 50 102,9      | 60 009,6       |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа          | 133 690,5     | 142 494,3      | 140 556,5     | 162 092,8      | 158 082,9     | 183 567,4      |
| Бошқа хизмат тармоқлари                    | 529 205,5     | 579 483,7      | 597 062,1     | 661 320,2      | 680 250,6     | 727 685,2      |

2024 йил бошига бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича жами асосий воситаларнинг ишлаб чиқарувчи тармоқлари **636 147,4** млрд сўмни (**41,7 %**) ташкил этса, хизмат кўрсатувчи тармоқлар **888 436,4** млрд сўм (**58,3 %**) ҳиссасига тўғри келди.

Йил охирига эса, бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича ишлаб чиқарувчи тармоқлар **749 816,5** млрд сўмни (**43,6 %**), хизмат кўрсатувчи тармоқлар **971 262,2** млрд сўм (**56,4 %**)ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича  
2024 йил охирига мавжуд асосий воситалар таркиби**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида асосий воситаларнинг энг юқори улуши бошқа хизмат тармоқларида – **42,3 %** ни ва саноат тармоғида – **34,2 %** ни ташкил этган, энг кичик улуш қурилиш тармоғи – **3,0 %** ҳамда савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғига – **3,5 %** тўғри келган.

**II. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бўйича динамикаси**

2024 йилда қолдиқ қиймати бўйича асосий воситаларнинг йил бошига қиймати **1 068 488,6** млрд сўм бўлган, йил охирига келиб **1 196 030,2** млрд сўмни ташкил этди. Асосий воситаларнинг йил охирига кўрсаткичи йил бошига нисбатан **11,9 %** га ошган.

**Қолдиқ қиймати бўйича йил боши ва йил охирига мавжуд асосий воситалар, млрд сўм**

|                                            | 2022 йил   |             | 2023 йил   |             | 2024 йил    |             |
|--------------------------------------------|------------|-------------|------------|-------------|-------------|-------------|
|                                            | йил бошига | йил охирига | йил бошига | йил охирига | йил бошига  | йил охирига |
| Жами асосий воситалар                      | 839 595,7  | 951 627,8   | 910 341,3  | 1 073 745,2 | 1 068 488,6 | 1 196 030,2 |
| Ишлаб чиқарувчи тармоқлар                  | 306 399,2  | 393 914,0   | 334 635,9  | 453 524,2   | 412 180,6   | 511 136,9   |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги       | 61 196,5   | 84 949,0    | 64 593,1   | 91 783,7    | 70 661,1    | 99 656,4    |
| Саноат                                     | 222 311,6  | 281 931,1   | 246 903,2  | 332 285,4   | 315 783,2   | 376 234,2   |
| Қурилиш                                    | 22 891,0   | 27 033,8    | 23 139,6   | 29 455,1    | 25 736,3    | 35 246,3    |
| Хизмат кўрсатувчи тармоқлар                | 533 196,6  | 557 713,8   | 575 705,3  | 620 221,0   | 656 308,0   | 684 893,3   |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 23 481,8   | 29 299,2    | 31 902,1   | 37 988,1    | 37 032,6    | 45 721,1    |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа          | 72 463,2   | 71 763,8    | 72 083,7   | 82 941,9    | 76 120,9    | 89 246,3    |
| Бошқа хизмат тармоқлари                    | 437 251,5  | 456 650,8   | 471 719,6  | 499 291,0   | 543 154,5   | 549 925,9   |

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари кесимидаги таҳлиliga кўра, 2024 йилда асосий воситаларнинг йил охирига қолдиқ қиймати бўйича ишлаб чиқарувчи тармоқлар **511 136,9** млрд сўмни (жами асосий воситаларга нисбатан **42,7 %**) ташкил этган, хизмат кўрсатувчи тармоқлар улуши **684 893,3** млрд сўмга тенг (жами асосий воситаларга нисбатан **57,3 %**).

Ишлаб чиқарувчи тармоқлар орасида энг юқори улуш саноат тармоғига (**376 234,2** млрд сўм), хизмат кўрсатувчи тармоқлар орасида эса бошқа хизмат тармоқлари (**549 925,9** млрд сўм) ҳиссасига тўғри келган.

### III. Иқтисодиёт тармоқларида янги асосий воситаларнинг ишга туширилиши ва тугатилиши

2024 йилда жами янги ишга туширилган асосий воситалар қиймати **232 326,5** млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилда бу кўрсаткич **253 536,2** млрд сўм бўлган.

#### Янги асосий воситаларнинг ишга туширилиши ва тугатилиши, млрд сўм

|                                            | Янги асосий воситаларнинг ишга туширилиши |           |           | Асосий воситаларнинг тугатилиши |          |          |
|--------------------------------------------|-------------------------------------------|-----------|-----------|---------------------------------|----------|----------|
|                                            | 2022 йил                                  | 2023 йил  | 2024 йил  | 2022 йил                        | 2023 йил | 2024 йил |
| Жами асосий воситалар                      | 183 902,9                                 | 253 536,2 | 232 326,5 | 38 377,8                        | 59 281,8 | 50 916,4 |
| Ишлаб чиқарувчи тармоқлар                  | 108 292,8                                 | 155 985,6 | 153 781,9 | 30 580,4                        | 48 086,7 | 38 837,6 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги       | 30 172,2                                  | 28 566,6  | 32 954,2  | 14 275,7                        | 15 963,7 | 18 089,2 |
| Саноат                                     | 70 878,3                                  | 117 827,5 | 109 196,2 | 14 154,2                        | 30 213,9 | 17 605,5 |
| Қурилиш                                    | 7 242,3                                   | 9 591,5   | 11 631,5  | 2 150,5                         | 1 909,1  | 3 124,9  |
| Хизмат кўрсатувчи тармоқлар                | 75 610,1                                  | 97 550,5  | 78 544,6  | 7 797,3                         | 11 195,1 | 12 078,8 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 8 814,3                                   | 10 497,0  | 13 596,7  | 931,0                           | 3 620,9  | 3 368,0  |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа          | 11 469,9                                  | 20 272,4  | 26 068,6  | 2 949,7                         | 3 122,4  | 4 027,4  |
| Бошқа хизмат тармоқлари                    | 55 325,9                                  | 66 781,1  | 38 879,3  | 3 916,6                         | 4 451,8  | 4 683,3  |


2024 йилда **50 916,4** млрд сўмлик асосий воситалар тугатилган бўлиб, асосий воситаларнинг чиқиб кетиш (тугатилиш) коэффиценти (чорва молларини ҳисобга олмаган ҳолда) **2,3 %** ни ташкил этган.

### IV. Асосий воситаларнинг янгиланиш ва тугатилиш коэффиценти ҳамда эскириш даражаси динамикаси

Сўнгги уч йил мобайнида (2022-2024 йиллар) иқтисодиётда асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти **12,8 %** дан **12,4 %** оралиғида ўзгариб тургани ва ўртача **12,6 %** ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Шунингдек, асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти бўйича тармоқлар кесимидаги таҳлиliga кўра, энг юқори улуш қурилиш – **22,9 %**, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – **22,7 %** ҳамда саноат тармоқларига – **18,5 %** тўғри келса, бошқа хизмат тармоқлари эса энг кам улуш – **5,3 %** га эга.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий воситаларнинг янгиланиш  
ва чиқиб кетиш (тугатилиш) коэффиценти динамикаси**



2024 йилда жами асосий воситаларнинг чиқиб кетиш (тугатилиш) коэффиценти – **2,3 %** ни ташкил этиб, тармоқлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (чорва молларини ҳисобга олмаган ҳолда) – **4,2 %**, саноатда – **3,5 %**, қурилишда – **7,6 %**, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – **6,7 %**, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – **2,5 %** ҳамда бошқа хизмат тармоқларида **0,7 %** ни ташкил этган.

**Асосий воситаларнинг янгиланиш ва тугатилиш коэффиценти  
ҳамда эскириш даражаси, % да**

|                                            | Янгиланиш коэффиценти |          |          | Чиқиб кетиш (тугатилиш) коэффиценти |          |          | Эскириш даражаси |          |          |
|--------------------------------------------|-----------------------|----------|----------|-------------------------------------|----------|----------|------------------|----------|----------|
|                                            | 2022 йил              | 2023 йил | 2024 йил | 2022 йил                            | 2023 йил | 2024 йил | 2022 йил         | 2023 йил | 2024 йил |
| Жами асосий воситалар                      | 12,8                  | 15,7     | 12,4     | 2,3                                 | 3,5      | 2,3      | 28,7             | 30,6     | 31,6     |
| Ишлаб чиқарувчи тармоқлар                  | 17,1                  | 22,4     | 18,5     | 4,4                                 | 7,0      | 3,9      | 31,8             | 33,0     | 34,7     |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги       | 18,2                  | 9,4      | 12,7     | 2,5                                 | 3,2      | 4,2      | 19,9             | 20,9     | 20,2     |
| Саноат                                     | 16,9                  | 23,4     | 18,5     | 4,3                                 | 7,5      | 3,5      | 32,9             | 34,1     | 36,1     |
| Қурилиш                                    | 18,7                  | 22,3     | 22,9     | 6,3                                 | 5,3      | 7,6      | 30,1             | 31,5     | 30,8     |
| Хизмат кўрсатувчи тармоқлар                | 9,9                   | 11,2     | 8,1      | 1,1                                 | 1,4      | 1,4      | 26,6             | 28,9     | 29,5     |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 23,1                  | 21,4     | 22,7     | 3,0                                 | 8,7      | 6,7      | 23,2             | 22,4     | 23,8     |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа          | 8,0                   | 12,5     | 14,2     | 2,2                                 | 2,2      | 2,5      | 49,6             | 48,8     | 51,4     |
| Бошқа хизмат тармоқлари                    | 9,5                   | 10,1     | 5,3      | 0,7                                 | 0,7      | 0,7      | 21,2             | 24,5     | 24,4     |

2024 йилда жами асосий воситаларнинг эскириш даражаси **31,6 %** ни ташкил этиб, тармоқлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (чорва молларини ҳисобга олмаган ҳолда) – **20,2 %**, саноатда – **36,1 %**, қурилишда – **30,8 %**, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – **23,8 %**, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – **51,4 %** ҳамда бошқа хизмат тармоқларида – **24,4 %** га етган.

#### **V. Ҳудудлар кесимида бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича йил охирига мавжуд асосий воситалар қиймати динамикаси**

2024 йил охирига республика бўйича асосий воситаларнинг умумий қийматидаги энг катта улуш Тошкент шаҳри – **465 353,7** млрд сўм, Тошкент вилояти – **176 396,7** млрд сўм ва Қашқадарё вилояти – **140 893,0** млрд сўмга тўғри келди. Республика асосий воситаларининг умумий қийматида энг кам улушлар Сирдарё (**39 199,5** млрд сўм), Жиззах (**72 226,2** млрд сўм) ва Наманган (**77 003,1** млрд сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

#### **Ҳудудлар кесимида бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича йил охирига мавжуд асосий воситалар, млрд сўм**

|                              | 2022 йил    | 2023 йил    | 2024 йил    |
|------------------------------|-------------|-------------|-------------|
| Ўзбекистон Республикаси      | 1 311 412,9 | 1 519 843,8 | 1 721 078,7 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 72 602,7    | 86 635,0    | 99 026,3    |
| Андижон вилояти              | 60 726,8    | 70 232,6    | 79 678,9    |
| Бухоро вилояти               | 71 170,3    | 83 395,3    | 95 786,7    |
| Жиззах вилояти               | 57 875,2    | 65 362,7    | 72 226,2    |
| Қашқадарё вилояти            | 96 873,3    | 131 535,4   | 140 893,0   |
| Навоий вилояти               | 95 072,7    | 115 442,2   | 129 567,0   |
| Наманган вилояти             | 52 495,1    | 57 616,6    | 77 003,1    |
| Самарқанд вилояти            | 90 147,3    | 100 992,7   | 114 628,4   |
| Сурхондарё вилояти           | 68 900,0    | 70 128,2    | 75 283,5    |
| Сирдарё вилояти              | 29 697,9    | 36 360,8    | 39 199,5    |
| Тошкент вилояти              | 134 972,8   | 160 463,1   | 176 396,7   |
| Фарғона вилояти              | 79 299,6    | 87 664,2    | 91 587,1    |
| Хоразм вилояти               | 48 252,5    | 57 087,1    | 64 448,5    |
| Тошкент ш.                   | 353 326,5   | 396 927,9   | 465 353,7   |

#### **VI. Ҳудудлар кесимида иқтисодий тармоқлари бўйича бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг йил охирига мавжуд асосий воситалари**

Иқтисодий фаолият турларининг ҳудудлар кесимидаги таҳлили натижаларига кўра, 2024 йил учун қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғида Тошкент (**11 533,3** млрд сўм), Қашқадарё (**11 186,3** млрд сўм) ҳамда Бухоро (**10 540,2** млрд сўм) вилоятлари юқори салмоққа эга бўлса, саноат тармоғида эса Тошкент шаҳри (**189 254,7** млрд сўм), Тошкент (**80 006,5** млрд сўм) ҳамда Навоий (**77 354,3** млрд сўм) вилоятлари юқори ҳиссага эга.

**2024 йилда ҳудудлар кесимида иқтисодиёт тармоқлари бўйича бошланғич (қайта тиклаш)  
қийматининг йил охирига мавжуд асосий воситалари, млрд сўм**

|                                 | Жами<br>асосий<br>воситалар | Қишлоқ,<br>ўрмон ва<br>балиқчи-<br>лик<br>ҳўжалиги | Саноат    | Қури-<br>лиш | Савдо,<br>яшаш ва<br>овқатла-<br>ниш<br>бўйича<br>хизмат-<br>лар | Ташиш<br>ва<br>сақлаш,<br>ахборот<br>ва алоқа | Бошқа<br>хизмат<br>тармоқ-<br>лари |
|---------------------------------|-----------------------------|----------------------------------------------------|-----------|--------------|------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|------------------------------------|
| Ўзбекистон<br>Республикаси      | 1 721 078,7                 | 110 098,6                                          | 588 816,4 | 50 901,5     | 60 009,6                                                         | 183 567,4                                     | 727 685,2                          |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 99 026,3                    | 6 490,0                                            | 22 865,0  | 2 457,0      | 1 548,2                                                          | 35 637,4                                      | 30 028,7                           |
| Андижон<br>вилояти              | 79 678,9                    | 7 100,2                                            | 31 580,9  | 2 284,8      | 1 878,4                                                          | 3 965,3                                       | 32 869,2                           |
| Бухоро вилояти                  | 95 786,7                    | 10 540,2                                           | 19 475,8  | 3 580,4      | 2 575,5                                                          | 16 535,3                                      | 43 079,4                           |
| Жиззах вилояти                  | 72 226,2                    | 7 067,3                                            | 18 105,0  | 2 258,3      | 1 436,6                                                          | 9 843,7                                       | 33 515,3                           |
| Қашқадарё<br>вилояти            | 140 893,0                   | 11 186,3                                           | 54 288,7  | 2 791,1      | 2 314,1                                                          | 10 549,9                                      | 59 762,8                           |
| Навоий вилояти                  | 129 567,0                   | 6 068,0                                            | 77 354,3  | 3 637,4      | 1 267,3                                                          | 12 823,5                                      | 28 416,4                           |
| Наманган<br>вилояти             | 77 003,1                    | 7 349,2                                            | 21 816,0  | 5 267,6      | 4 071,9                                                          | 3 518,1                                       | 34 980,3                           |
| Самарқанд<br>вилояти            | 114 628,4                   | 13 244,7                                           | 21 244,9  | 2 945,9      | 9 168,8                                                          | 11 031,2                                      | 56 992,7                           |
| Сурхондарё<br>вилояти           | 75 283,5                    | 7 430,7                                            | 9 402,1   | 2 510,4      | 2 839,5                                                          | 5 401,9                                       | 47 698,7                           |
| Сирдарё вилояти                 | 39 199,5                    | 4 696,1                                            | 9 743,3   | 1 021,6      | 1 061,3                                                          | 5 038,2                                       | 17 639,0                           |
| Тошкент вилояти                 | 176 396,7                   | 11 533,3                                           | 80 006,5  | 2 460,6      | 4 824,7                                                          | 12 290,4                                      | 65 281,2                           |
| Фарғона вилояти                 | 91 587,1                    | 6 440,8                                            | 26 106,6  | 2 290,4      | 2 210,6                                                          | 6 896,4                                       | 47 642,2                           |
| Хоразм вилояти                  | 64 448,5                    | 9 290,6                                            | 7 572,4   | 2 591,4      | 2 834,1                                                          | 5 850,7                                       | 36 309,2                           |
| Тошкент ш.                      | 465 353,7                   | 1 661,0                                            | 189 254,7 | 14 804,4     | 21 978,3                                                         | 44 185,3                                      | 193 469,9                          |

Тошкент шаҳри бошқа ҳудудларга нисбатан барча тармоқлар орасида энг юқори улушга эга бўлиб, саноатда – **189 254,7** млрд сўм, қурилишда – **14 804,4** млрд сўм, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – **21 978,3** млрд сўм, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – **44 185,3** млрд сўм ҳамда бошқа хизмат тармоқларида **193 469,9** млрд сўмни ташкил этди.

## VII. Изоҳлар

Асосий воситалар такрор ишлаб чиқарилиши жараёнларини ва улардан фойдаланиш натижаларини ҳар томонлама тавсифлаш учун асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ҳамда қолдиқ қиймати (эскириш қийматини ҳисобга олмаган ҳолда) бўйича ҳисобот баланслари ишлаб чиқилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баланси асосий воситаларнинг ҳажми, тузилиши ва таркибини тавсифлаш учун хизмат қилади. Бошланғич қиймат ҳисобот даврида асосий воситаларнинг сотиб олиш, ўрнатиш ҳамда ишга тушириш нархларидаги қийматини ифодалайди. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати

инфляция суръатларини ҳисобга олган ҳолда даврий қайта баҳоланади. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланишдан кейинги қиймати қайта тиклаш қиймати деб аталади.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (эскириш қийматини ҳисобга олмаган ҳолда) бўйича баланси асосий воситалар ҳажми, тақсимланиши ва ҳаракатини акс эттириб, асосий воситалар қийматининг жамғарилишини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу баланс, бир томондан асосий воситалар қийматининг ўсишини ифодаласа, бошқа томондан эса, ҳисобдан чиқариш ҳамда истеъмол қилинган қисмининг маҳсулот қийматига ўтиши натижасида асосий воситалар қийматининг камайишини акс эттиради. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий воситалар аста-секин ўзининг қийматини йўқотиб боради. Асосий воситаларнинг истеъмол қилинган қисми ўрнатилган меъёрлар бўйича амортизация ажратмаларини (эскириш қиймати) ишлаб чиқариш харажатларига киритиш орқали қопланади.

Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти йил давомида ишга туширилган асосий воситалар қийматининг йил охиридаги асосий воситалар қийматига нисбати орқали ифодаланади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффиценти тугатилган асосий воситалар қийматининг йил бошида мавжуд бўлган барча асосий воситалар қийматига нисбати орқали ифодаланади.

Асосий воситаларнинг эскириш даражаси – асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқнинг йил охиридаги бошланғич (қайта тиклаш) қийматига нисбати орқали ҳисобланади.

Чоп этишга масъул:  
Макроиқтисодий индикаторлар ва  
миллий ҳисоблар бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63  
Алоқалар: [info@stat.uz](mailto:info@stat.uz)  
Тел.: 71-203-80-00 (1060)

